



мавзу. СИФАТНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ – ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ



Тошкент¹ – 2020



РЕЖА:

1. Сифат – ХХИ аср бўсағасида рақобатнинг умумжаҳон майдони
2. Сифатни бошқаришнинг хориж тажрибаси
3. Сифатни бошқаришга маъмурий ва иқтисодий ёндашувлар
4. Технологиялар эволюцияси ва сифат тушунчаси
5. 100% лик янги сифат сиёсати

1. Сифат – ХХИ аср бўсағасида рақобатнинг умумжаҳон майдони

- * Ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиши ва шахс эҳтиёжларининг таъсирида сифатнинг ўрни ва аҳамияти доимий равишда ортиб бормоқда. Кун сайин маданият ва таълим даражасининг юксалиб бориши истеъмолчиларни янада наздик дидли ва талабчан қилмоқда.
- * Рақобатбардошликни таъминлашда ХХ асрнинг 80 – йилларида сифатга талаблар ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Жаҳон бозорида маҳсулотларни харид қилаётган истеъмолчиларнинг 80% дан ортиғи сифатни нархдан устун қўймоқда. Маълумотлар сифат ҳаражатларининг умумий ишлаб чиқариш ҳаражатларининг 15 – 25% дан кам бўлмаган қисмини ташкил қилганини кўрсатади.
- * Кредитлаш, сармоя киритиш, имтиёзлар бериш имкониятлари маҳсулот сифати билан боғланган. Масалан, Европанинг бир қатор давлатларида шундай қонунларга амал қилинадик, уларга кўра муайян маҳсулотлар сифат сертификатисиз бозорга киритилмайди. Мазкур сертификат маҳсулот сифатининг Халқаро стандартлаштириш ташкилоти – ИСО стандартларидаги талабларга жавоб беришини тасдиқлайди. Бошқа сертификатлаштирилмаган маҳсулотларнинг икки баробар арзонга сотилиши шарт қилиб қўйилган.

Россиянинг катта уруши

- * ХХИ аср бўсағасида Россиянинг катта уруши – бу саноат урушидир ва бутун дунёдаги истеъмолчилар бу урушнинг ўлжалари” ҳисобланади. Харрингтон томонидан тавсифланган даврда Россиянинг ҳолати АҚШ никига ўхшаб кетади. Лекин АҚШ, Япония, Европа, Осиёнинг янги саноатлашган давлатлари томонидан Россия хўжалиги, саноатига ҳужум амалга оширилмоқда. Кўплаб Россия маҳсулотлари ва хизматлари жаҳон бозорида рақобатлаша олмайди. Россия экспорти қисқариб бормоқда.
- * Шу билан бирга, ижобий силжишлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Россияда сифат соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмалар кенг кўламда муваффақиятли олиб борилган. Улар алоҳида йўналишларда ҳатто жаҳон даражасидан бир неча ўн йилга илгарилаб кетди. Лекин амалиётда сифатни бошқаришнинг самарали тизимлари фақат ҳарбий – саноат комплексларида (ҲСК) яратилган ва татбиқ этилган.
- * ҲСК ўз вақтида саноатнинг асосий тармоқларини ўз ичига олган. ҲСК тармоқлари, корхоналарида фуқаролик мақсадларидаги маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилган, лекин бу ишлар қолақ техник негизда амалга оширилган. Кўп ҳолларда истеъмол бозори учун маҳсулотлар ҳарбий ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш йўли билан тайёрланган.

2. Сифатни бошқаришнинг хориж тажрибаси

- * Жаҳон ҳамжамияти маҳсулот сифатига техник талабларни меъёрлашга ягона ёндашувни ишлаб чиқди. Кўрсатма берадиган ҳужжатлар поғоналарининг пирамидаси 1.1 расмда келтирилган. Бунда қонунчиликка сифат ва уни таъминлаш усулларини давлат томонидан тартибга солиш шакли сифатида қаралади. Дунёнинг турли минтақаларидаги стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрологиянинг қонунчилик асослари

АҚШ тажрибаси

- * **Сифатни бошқаришнинг АҚШ тажрибаси.** Америкада саноат инқилоби ҳунармандчиликка нуқта қўйди. Ҳунарманд ишлаб чиқаришни бошидан охиригача назорат қилар эди. У сифатни текширган, хом ашёни сотиб олган, савдо қилган ва бошқарув функсияларини бажарган. Бундан ташқари, у тайёр маҳсулотни ҳам назорат қилган.
- * XIX асрда серияли ишлаб чиқаришга ўтиш натижасида янги турдаги ишчига эҳтиёж пайдо бўлди. Фабрикаларда доимий такрорланувчи операцияларнинг муайян кетма –кетлигини бажарадиган ишчиларга зарурат юзага келган. Бундай ишчилардан юқори тайёргарлик даражаси ва касбий кўникмалар талаб қилинмаган. Бошқариш услуги ишчининг жиҳозлар, иш кўникмаларига эга бўлмаслиги, мулоқот қилишга интилмаслиги ва меҳнатга қизиқмаслигига асосланган эди. Бу эса ишчилар ва раҳбарлар жамоаси ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқарган. Ишчи фақат ўзига берилган буйруқларни бажарган. Агар у ёмон ишчи бўлса, уни ишдан бўшатишган.

3. Сифатни бошқаришга маъмурий ва иқтисодий ёндашувлар

- * Сифатни бошқаришга ёндашувларни икки асосий йўналишга ажратиш мумкин.
- * **Маъмурий ёндашув.** Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини 100% гача ошириш таклиф қилинади. Маҳсулотнинг сифати унинг ҳаёт тсикли босқичларига мос равишда туркумланади.
- * *Маҳсулотнинг ҳаёт тсикли* маркетинг тадқиқотлари ва ишланмаларидан бошланиб, ишлаб чиқариш, сотиш, эксплуатация қилишни қамраб олади ва утилизатсиялаш ёки истеъмол қилишгача давом этади. Нуқсонларнинг юзага келишига имкон берувчи муҳим босқичлар ва операциялар ажратилади ва тадқиқ этилади. Юзага келган нуқсонлар турларга ажратилади. Шунга кўра, нуқсонларнинг юзага келишининг олдини олиш ва сифат даражасини 100% гача олиб чиқиш чоралари кўрилади.

ИҚТИСОДИЙ ЁНДАШУВ

- * Сифат масаласига **иқтисодий ёндашув**да маҳсулот сифатининг кўзланган даражасига эришиш учун иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳаражатлар миқдори аниқланади.
- * Сифатни таъминлаш учун киритилган бир сўм ишнинг муайян бошланғич босқичида ўнлаб, ҳатто юзлаб сўмда даромад келтириши мумкин. Сифатни таъминлаш йўлида ҳаражатларнинг меъёрдан ортиши киритилган пул бирлигига нисбатан қайтимнинг камайишини келтириб чиқаради. Сифатни таъминлаш ҳаражатлари ортиши шунга олиб келадикки, киритилган ҳар бир сўм учун тенг худди шунча қўшимча даромад олинади. Катта ҳаражатлар билан киритилган капитал қўйилмалар кам қайтимни беради.
- * Иқтисодий ёндашувда мазкур чегара *сифатнинг оптимал даражасини* аниқлашга имкон беради. Ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва алоҳида буюмларнинг орқага қайтарилиши беҳуда сарф – ҳаражатлар қилинишига сабаб бўлади.

4. Технологиялар эволюцияси ва сифат тушунчаси

- * **Технологияларнинг ривожланиш босқичлари.** Замонавий
- * технологиялар тараққиётининг биринчи босқичи янгиликлар технологик комплексининг юзага келиши ва ёйилиши билан тавсифланади. Ушбу комплекснинг янги ғоялари инсоннинг табиат, меҳнат предметларига бевосита таъсир этиш функцияларини техникага ўтказишни таъминлади. Қайта ишлаш ва ўлчов асбоблари, мосламалари, механизмлари кашф қилинди ва машина қуроллари сифатида ишлатилди.
- * Иккинчи босқичнинг янгиликлари энергетик комплекснинг тарқалиши билан боғлиқ. Бу комплекснинг янгиликлари инсон томонидан технологик таъсирларни энергетик таъминлашнинг техникага интенсив ўтказилишини кўзлайди. янгиликлар энергетик комплексининг юзага келиши ва тарқалиши

Технологик тартиблар

- * Технологиялар тараққиёти жараёнида янгиликларнинг тарқалиши даврий ва комплекс хусусият касб этади. У иқтисодиётда технологик тартибларнинг берк такрор ишлаб чиқариш контурлари шаклини олади. Уларда бир вақтда мавжуд бўла оладиган технологиялар ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил қилиш шакллари қўлланилади. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида тартиб ҳаёт даврининг давомийлиги Кондратевнинг уч тсиклига мос келади. Чунки иқтисодиётда бир вақтда асосан учта тартиблар амал қилинади.

5.100% лик янги сифат сиёсати

- * Машҳур Америка компанияси ИБМ Япония тажрибасидан фойдаланган ҳолда 80 – йиллардан бошлаб 100% даражадаги сифат сиёсатини олиб боришга ўтди. Ушбу сиёсат натижасида мазкур компания 90 – йилларда суперкомпьютерларни ишлаб чиқариш ва сотиш юзасидан АҚШ мудофаа вазирлиги билан шартномаларни имзолашга муваффақ бўлди.

сифат сиёсати

- * Миллий машинасозлик саноатида сифатни таъминлаш бўйича ҳаражатларни тадқиқ қилиш худди шундай натижаларни кўрсатмоқда. Улар 1.4 жадвалда келтирилган маълумотларда ўз аксини топган.
- * Сифатни илгариги тушунишга қайтиш юз беради. Бундай тушунишда маҳсулотлар ёки хизматларнинг 100%и ўрнатилган талабларга тўлиқ мос келади, лекин сифатнинг бундай даражасини таъминлаш мураккаб хусусиятга эга.
- * *Сифатга тактик ёндашув* ишлаб чиқариш ва тайёрланаётган маҳсулот турлари, талаб ва таклифнинг муносабати, мазкур маҳсулотнинг
- * асосий ишлаб чиқарувчиларининг рақобат курашига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунга кўра, режалаштирилган сифат даражасига эришиш йўллари ва воситалари изланади. Бошқа томондан, бир қатор йўналишларда сифатга еришиш стратегияси умумийлик касб этиб боради.